

Иш рақами

Биринчи инстанцияда раислик
қилган судья – Р.Турабоев

Апелляция инстанциясида
маърузачи судья-Д.Мадаминов

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил февраль ойининг 4 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари
бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Д.Мадаминов,

ҳайъат судьялари: Б.Абдуллаев ва А.Идан иборат таркибда, судья катта
ёрдамчиси Ҳ.Жўраевнинг котиблигида, тарафлардан Наманган
вилояти прокуратураси бўлим прокурори Р.Абдуллаев, судланган И.Х ва
унинг ҳимоячиси – адвокат А.Абдуманнапова, судланган Б.Ғ
ва унинг ҳимоячиси – адвокат У.Юсупов, судланган А.А ва унинг ҳимоячиси
– адвокат А.Нормирзаев, судланган М.А ва унинг ҳимоячиси – адвокат
К.Исматуллаевнинг иштирокида, И.Х
ва бошқаларга оид жиноят ишини судланганлар И.Х, Б.Ғ, А.А ва М.Ага оид
қисмини уларнинг апелляция шикоятлари асосида кўриб чиқиб,
қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2024 йил 24 декабрдаги
ҳукмига кўра:

И.Х, 19** йил ** июлда Наманган шаҳрида туғилган,
ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус,
уйланмаган, судланмаган, ишламайди, Давлатобод
тумани, *- кичик туман, **-уй, **-хонадонда яшаган,
2024 йил

20 сентябрдан қамоқда сақланаётган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан
3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига;

Б.Ғ, 19** йил ** мартда Уйчи туманида туғилган, ўзбек,
Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар
фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича
Наманган шаҳар судининг 2021 йил 10 сентябрдаги
ҳукмига кўра, ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди
билан 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган,
жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2022 йил
23 февралдаги ажримига кўра ЖКнинг 48¹-моддаси
тартибда ўталмаган 1 йил 8 ой 13 кун жазоси шу
муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига
алмаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар
судининг



2023 йил 13 мартдаги ажримига кўра ЖКнинг 74-моддаси тартибида ўталмаган 1 йил 3 ой 8 кун жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2023 йил 31 июлдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 11 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, ишламайди, Уйчи тумани, “*****” МФЙ, *** кўчаси, ** -уйда яшаган, 2024 йил 24 декабрдан қамоқда сақланаётган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан 57-моддаси қўлланиб, 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига;

А.А 19** йил
** февралда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, oilали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2014 йил 19 майдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 25,97-моддаси 2-қисми “г,л” бандлари билан 85-моддаси тартибида 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2015 йил 29 январдаги ажримига кўра, 74-моддаси тартибида ўталмаган 1 йил 4 ой 18 кун жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

2) жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2015 йил 2 июндаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан 60-моддаси тартибида иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;

3) жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2016 йил 10 ноябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми, 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан 59,60,61-моддалари тартибида 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2017 йил 20 октябрдаги ажримига кўра, 74-моддаси тартибида ўталмаган 1 йил 5 ой 26 кун жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган,

4) жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2018 йил 16 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан 3 йил, 60,61-моддалари тартибида 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари



бўйича Пскент туман судининг 2019 йил 26 ноябрдаги ажримига кўра ЖКнинг 74-моддаси тартибида ўталмаган 1 йил 5 ой 20 кун жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2020 йил 25 декабрдаги ажримига кўра ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 5 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, ишламайди, Наманган шаҳар, “****” МФЙ, *** кўчаси, **-уйда яшаган, 2024 йил 1 августдан қамоқда сақланаётган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан 57-моддаси қўлланиб 2 йил, 59,61-моддалари тартибида 2 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига;

М.А, 19** йил
** мартда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, муқаддам жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2022 йил 8 августдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, ишламайди, Янги Наманган тумани, “****” МФЙ, *** кўчаси, **-уйда яшаган, 2024 йил 5 августдан қамоқда сақланаётган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан 57-моддаси қўлланиб, 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланганлар.

Мазкур ҳукм билан А.Э, А.С, Б.Ш, М.Я, А.И, И.С, М.Ж, С.Р, Ю.Б, Ю.Ю ва А.М ҳам судланган бўлиб, ишнинг уларга оид қисми бўйича шикоят берилмагани ёки протест билдирилмагани сабабли муҳокама қилинмади.

Суднинг ҳукмига кўра, И.Х билан А.Э бир гуруҳ бўлиб 2024 йил 20 июлдан 21 июлга ўтар кечаси Давлатобод туманида жойлашган “*****” номли тунги клубида Б.Ш билан ўзаро жанжаллашиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, А.Э пичоқ билан Б.Шга енгил шикаст етказганликда;

2024 йил 21 июлдан 22 июлга ўтар кечаси И.Х ва А.Э такроран А.А, М.Я, А.И, И.С, М.Ж, С.Р, Ю.Б, Ю.Ю ва қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахслар билан бир гуруҳ бўлиб, Наманган шаҳар, “*****” МФЙ, Х.М кўчасида жойлашган “*****” номли қабристон яқинида М.Қ, Б.Ш, Б.Ғ, М.Алихонов, А.М ва бошқа шахслар билан ўзаро жанжаллашиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, А.С пневматик қуролни қўллаш билан кўрқитиб, бир-бирларини уриб-дўппослаб безорилик қилганликда;



бундан ташқари, А.А Давлатобод тумани, **-кичик туманида жойлашган **-сонли кўп қаватли хонадон иккинчи қаватидан пастга ташлаб қочмоқчи бўлганида ушланиб, эғнида бўлган кийими чўнтагида 0,28 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга ҳилоф равишда сақлаганликда айбли деб топилган.

Судланган Б.Ғ апелляция шикоятда, оилада ягона боқувчи экани, онаси бетоблиги, воқеа содир бўлган жойга тасодифан бориб қолгани ҳақида важлар келтириб, ишни қайта кўриб чиқишни;

судланган И.Х апелляция шикоятда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар инобатга олинмагани ҳақида важлар келтириб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни;

судланган М.А апелляция шикоятда, воқеа содир бўлган жойга тинчлик мақсадида боргани, ғаразли нияти бўлмагани ҳақида важлар келтириб, ишни қайта кўриб чиқишни;

судланган А.А апелляция шикоятда, безорилик жиноятига дахли йўқлиги ҳақида важлар келтириб, ЖКнинг 277-моддаси билан оқлашни, ЖКнинг 276-моддаси билан енгиллик беришни сўрашган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья Д.Мадаминовнинг маърузасини, ҳимоячилар А.Абдуманнапова, У.Юсупов, А.Нормирзаев ва К.Исматуллаев, судланганлар И.Х, Б.Ғ, А.А ва М.Анинг шикоятларни қаноатлантириш, прокурор Р.Абдуллаевнинг ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятлардаги важларни жиноят иши ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Суд И.Х, Б.Ғ ва М.Анинг жиноий қилмишларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан;

А.Анинг жиноий қилмишларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди, 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо одилонга бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддаси 2-қисмида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг



хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо тайинланиши мумкинлиги тушунтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарори 1-бандида, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) қўпол тарзда бузиш тушунилиши, жамоат тартиби қўпол тарзда бузилиши шахс томонидан ЖК 277-моддаси биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлардан бирортаси содир этилишида ифодаланиши;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарори 6-бандида, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эғалик қилиши (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозимлиги, бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмаслиги тушунтирилган.

Суд, судланганлар И.Х, Б.Ғ, А.А ва М.Ага жазо тайинлашда қайд этилган қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини, шахсини, содир этган жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси ва оқибатлари, жиноятни содир этишдаги иштироки даражасини эътиборга олиб, И.Хга айбланган 277-моддаси 3-қисми санкцияси доирасида, Б.Ғ, А.А ва М.Ага нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда, ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси, А.Ага 276-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, жиноятлар мажмуи бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, тўғри қарорга келган.

Судланган Б.Ғнинг апелляция шикояти ва суддаги, оилада ягона боқувчи экани, онаси бетоблиги, воқеа содир бўлган жойга тасодифан бориб қолгани ҳақидаги;

судланган И.Хнинг апелляция шикояти ва суддаги, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар инobatга олинмагани ҳақидаги;



судланган М.Анинг апелляция шикояти ва суддаги, воқеа содир бўлган жойга тинчлик мақсадида боргани, ғаразли нияти бўлмагани ҳақидаги;

судланган А.Анинг апелляция шикояти ва суддаги, безорилик жиноятига дахли йўқлиги ҳақидаги важлари:

судланган Б.Шнинг суддаги, 2024 йил 20 июль куни Давлатобод туманидаги “*****” номли тунги клубда И.Х билан тортишиб кетгани, ташқарига чиқишган вақтида А.Э пичоқ билан унга тан жароҳати етказгани, қабристон яқинига А.С, М.Я, И.Х ва “***” исмли болалар билан кўришгани, А.С Б.Ғ билан гаплашаётганида М.Қ А.Сни юзига уриб юборганидан сўнг ўзаро жанжал бошланиб кетгани ҳақидаги;

судланган А.Ининг суддаги, 2024 йил 21 июль куни соат 19:00ларда таниши Воҳид кўнғироқ қилиб, "Сниккерс" савдо дўкони яқинига келишини айтгани, у ерга борганида С.Рга тегишли "Эканокс" русумли, 50W***СВ давлат рақам белгилли, Юнинг "Нексия-3" русумли, 50J***NA давлат рақам белгилли, Анинг ок рангли, "Жетоур" русумли, 50?***?? давлат рақам белгилли ва бошқа автомашиналар, М, Длар борлигини кўргани, В унга Б билан телефон орқали тортишиб кетгани ва у билан кўришиб гаплашиб олишни айтгани, шунга кўра В телефонда кимдир билан гаплашиб, кўришадиган жойни белгиллагани, соат 22:00ларда қабристонга етиб борилгани, тахминан 20 минут ўтганидан сўнг Б, М, Б келгани, Б В билан гаплашиб турганида М Внинг юзига уриб юборгани, сўнг жанжал бошланиб, Б хам Вни ургани, М бироз четроққа юрган вақтида Д кўлида бўлган пичоқ билан унинг оёғига жароҳат етказгани ҳақидаги;

суд-тиббий экспертизанинг 2024 йил 20 августдаги ***/**-сонли хулосасида, Б.Шнинг танасида ўнг ва чап сон соҳалари санчилган-кесилган яралари аниқлангани, ушбу тан жароҳатлари қарорда кўрсатилган муддат атрофида ўткир санчувчи-кесувчи жисм таъсирида етказилганлиги, ўзи йиқилиб тушиб олишига хос эмаслиги, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати тоифасига кириши;

суд-тиббий экспертизанинг 2024 йил 20 августдаги ***/**-сонли хулосасида, М.Қнинг танасида ўнг сон соҳаси санчилган-кесилган яралари аниқлангани, ушбу тан жароҳатлари қарорда кўрсатилган муддат атрофида ўткир санчувчи-кесувчи жисм таъсирида етказилганлиги, ўзи йиқилиб тушиб олишига хос эмаслиги, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати тоифасига кириши;

суд-тиббий экспертизанинг 2024 йил 1 августдаги ***/**-сонли хулосасида М.Янинг танасида чап кўз соҳаси қонталаши, чап тирсак ва чап тизза бўғими соҳалари шилинмалари аниқлангани, ушбу тан жароҳатлари каттиқ ўтмас буюм таъсирида ҳосил бўлганлиги, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни бузилишига сабабчи бўлмаган енгил тан жароҳати тоифасига кириши кўрсатилгани;

шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, нарсани олиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари,



фотосуратлар ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар йиғиндиси билан инкор этилиб, уларнинг важлари танқидий баҳоланиб, ишончга сазовор бўлмаган кўрсатувлар сифатида рад этилади.

Қайд этилган асосларга кўра, апелляция инстанцияси ҳукми ўзгартириш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, суд ҳукмининг И.Х, Б.Ғ, А.А ва М.Ага оид қисмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹⁷, 497²⁶, 497³¹- моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2024 йил 24 декабрдаги ҳукмининг И.Х, Б.Ғ, А.А ва М.Ага оид қисми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:	имзо	Д.Мадаминов
ҳайъат судьялари:	имзо	Б.Абдуллаев
	имзо	А.Инамов
Ажрим нусхаси аслига тўғри вилоят судининг судьяси		Д.Мадаминов

